



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 19 апрел, жума №63 (1280)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШ ҚИЛИНДИ

Тўрткўл шаҳридаги «Марказобод» маҳалласида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда юздан ортиқ корхона ва ташкилот, ширкат ва фермер хўжаликлари, ўрта ва кичик бизнес субъектлари ўзларидаги бўш иш ўринлари билан қатнашди. Шунингдек, ярмаркада ширкат ва фермер хўжаликлар ҳамда хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар намойиш қилинди. Тўрткўл тиббиёт билим юртини тазомлаб, икки йилдан буён иш қидириб юргандим, - дейди Баҳром Худойберганов. - Ярмарка сабаб тумандаги тери касалликлари диспансеридан иш топдим. Ярмаркада 100 га яқин киши иш ўрнига эга бўлди.

(ЎзА).

«ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ОБИДАЛАРИ»


Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларини ривожлантиришга, неча минг йиллик маънавий қадриятларимизни, жумладан, муқаддас динимиз ва урф-одатларимизни тиклашга алоҳида эътибор қаратилган. Бетақдор тарихий обидалар таъмирланиб, муқаддас қадимжолар зийратгоҳга айланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ «Ўзбекистон ислом обидалари» номи билан кўп минг нусхада чоп этилган рангли фотоальбом бунинг яна бир яққол далилидир.

Миллий матбуот марказида ана шу китоб - фотоальбомнинг тақдими маросими бўлиб ўтди. Унда таниқли олимлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган элчиҳоналар вакиллари ҳамда хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Каримов маросимни очар экан, давлатимиз раҳбари ташаббусига биноан тайёрланган ушбу фотоальбом саҳифаларидан ўрин олган исломий обидалар тўғрисида ҳикоя қилувчи суратлар ва маълумотлар китобхонларга жуда кенг ахборот беришини таъкидлади.

Кутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган,



муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Юсуф Хамадоний, Шайх Хованди Тахур, Шамсиддин Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахрор Валий, Маҳдуми Аъзам сингари буюк зотлар авлодларга бебаҳо мерос қолдирган.

Фотоальбомда диёримизнинг маънавий-маданий тараққиёти тарихи

беш даврга бўлиб кўрсатилган. Булар уйғониш, Амир Темур ва темирлар, ўзбекхонликлари, мустақиллик ҳамда Мустақиллик даврларидир. Барча маълумотлар ўзбек, инглиз, араб тилларида берилган.

Маросимда сўз олган Давлат Матбуот қўмитаси раиси Р.Шоғуломов, академик Н.Иброҳимов, муфтий Абдурашид қори Баҳромов, Саудия Арабистони Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Ал-Энези Дахир ва бошқалар мазкур фотоальбом Ўзбекистон тарихи ва унинг бой маданий мероси ҳамда ёдгорликларини халқро майдонда кенг тарғиб-ташвиқ этибгина қолмай, балки бу борда илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар, талабалар учун ҳам ниҳоятда муҳим манба бўлиб хизмат қилишини таъкидлади. Бундай хайрли ишларга раҳнамолик қилаётгани учун Президентимиз Ислам Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов иштирок этди. (ЎзА).



Бешкентда Ҳикматилло устани танимаган киши йўқ. Зотан, у ўзининг сержило ёғочсозлик буюмлари билан кўпчиликнинг эътиборини тортган. — Мустақил иш бошлаганимизга 34 йил бўлди, - дейди Ҳикматилло Шамсиев. — Ўтган давр ичиде бир неча шогирдлар таёёрладим. Улар айни пайтда ўзлари мустақил равишда

фаолият юритишмоқда.

Ҳикматиллонинг яна бир хунари бор. У мусика асбоблари ҳам ясади. Тор, рубоб, дутор сингари мусика асбоблари унинг қўлида сайқал топади.

Устанинг тўнғич ўғли Латифжон ҳам ота изидан бормоқда. Ёғоч ўймакорлиги унинг севган касби. Бешкент шаҳридаги Ағлиқул Бўронов

номли кўчанинг 24-хонадониде яшовчи Шамсиевлар сулоласи аъзолари ўзларининг яратган ёғочсозлик буюмлари билан барчанинг таҳсинига сазовор бўлмоқдалар.

Суратларда: уста Латифжон Шамсиев. Ҳикматилло Шамсиев (ўнгда) шогирди Умид Ибрагимов билан.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

ЯНА БИР КОРХОНА

Самарқанд туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда «Балтимор-Самарқанд СОМ» қўшма корхонаси ишга туширилди.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган мазкур корхонада асосан мева консервалари тайёрланади. Бундай корхона мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманлар учун жуда зарур. Корхонада 250 нафар киши иш билан таъминланди. (ЎзА).

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК

Бозор иқтисодиёти шариғатида касабани уюштира фаолиятида ижтимоий шерикчилик тизими ўз ўрнини тобора мустақам эгалламоқда. Равшанки, ушбу ўта муҳим ҳаётий тамойилнинг аниқ бир тизими йўқ. Шу боис, ҳозирги шариғатда ривожланган давлатлар ҳамда МДХ га аъзо мамлакатларда тўплаган тажрибалар катта аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Фридрих Эберт номидаги Фонднинг Ўзбекистондаги вакиллари билан ҳамкорликда Тошкентда ўтказган «Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий шерикчилик» мавзусидаги халқаро семинар фойдалари бўлди, деб ўйлаймиз.

Анжумани Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова ва Фридрих Эберт номидаги фонднинг Ўзбекистондаги вакили Наиля Рязанова олиб боришди. Унда Халқаро Меҳнат Ташкилоти вакиллари — меҳнаткашлар фаолияти бўйича

Халқаро анжуман

эди Виталий Савин, эркин касабани уюшмалари халқаро конфедерациясининг Россия ва МДХ мамлакатларидаги вакили Вадим Борисов, шунингдек, Россия Федерацияси, Қозғоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон Республикалари касабани уюшмалари вакиллари иштирок этдилар.

Ишчанлик, зўр уюшқоқлик вазиятида ўтган ва ўзаро фикр-алмасхуварларга

бўй бўлган семинарда бозор шариғатида ижтимоий шерикчилик тамойиллари, бу борадаги тажрибалар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида атрофлича гап борди. Меҳнаткашлар ҳақ хуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касабани уюшмалари нуфузи ва жанговорлигини ошириш юзасидан биргаликда амалга оширилиши лозим бўлган саъй-ҳаракатлар хусусида қимматли тақлиф-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Анжуманининг иккинчи куниде Ўзбекистон касабани уюшмалари вакиллари — тармоқ Марказий қўмита раислари, вилоят касабани уюшма кенгашлари раислари амалга оширилаётган ишлар, ютуқлар омили, шунингдек, бозор муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этаётган иш услублари хусусида фикр алмасхидилар, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

ГОЛИБЛАРНИ МУКОФОТ КУТМОҚДА

Томди туманидаги «Жанги чорва» ширкат хўжалиги маъмурияти ва касабани уюшма қўмитаси жамоа шариғатимизнинг бажарилишига катта эътибор қаратмоқда. Натижанда ўтган йили қўзилаштида юқори кўрсаткичга эришилиб, 11 минг бош қўзи ўстиришга қолдирилди. Бу ўз навбатида 40 нафарга яқин киши учун янги иш ўрни яратиш имконини берди. Олинган соф фойда 46 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 13 миллион йил якунларига кўра дивиденд сифатида тарқатилди. Мусобақада пешқадамлик қилган чўпонларга режадан ошқ маҳсулот топширгани ҳамда мол бошини омон сақлагани учун 4 миллион сўм пул, 703 бош майда мол, 2 та туя ва битта от берилди. Қўйивонлардан Исатой Сбаев, Алишер Тасенов, Ўрозали Азиев, тўябоқар Рустам Жунусов, отбоқар Ақилбек Жунусов жамоалари энг кўп мукофот соҳиби бўлишди.

Ҳозир «Жанги чорва» яйловларида ҳал қилувчи палла — қўзилашти мавсуми якунловчи босқичга кирди. Маъмурият ва касабани уюшма қўмитаси белгилаган тадбирга асосан голибларни муносиб соҳибдорлар кутмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хўжаликда ўрта ва кичик бизнесни шакллантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётган. 3 та фермер хўжалиги, 3 та кичик корхона фаолияти йўлга қўйилди. Айниқса, ўтган йили иш бошлаган «Келбет» кичик корхонаси қисқа вақт ичиде эл оғзига тушди. 8 нафар киши ишлайётган бу корхонада тайёрланган жундан ишланган тўн, қорақўл бош кийими, фуфайка ва бошқалар харидорларга манзур бўлмоқда. Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Қахрамонлар орамизда

«НАВОЙ АВТОЙЎЛ» ФИДОЙИЛАРИ

Навоий худудий жиҳатдан республикамизнинг энг улкан вилоятларидан бири ҳисобланади. Масалан, Навоий шаҳри билан Учқудуқ ўртасидаги масофа уч ўз километрдан ошиб кетади. Вилоят марказидан Зарафшон шаҳригача автобус камиде 5 соат йўл юради ва хоказо.

Шундай экан, бугунги кунда бу йўлнинг сифати қай даражада, деган савол туғилади. У ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладими? — Йўлсозларимиз 4534 километр умумфойдаланув йўлларига хизмат қилади, — дейди «Навоий автойўли» давлат акционерлик бирлашмаси раиси Жаббор ака Норматов. — Шундан 302 километри халқаро, 3101 километри давлат ва 1131 километри эса маҳаллий аҳамиятга эга йўллардир.

Айниқса, мустақиллик йилларида йўлларимиз ҳолати анча яхшиланди. Мен бу билан ҳамма йўлларимиз ривожланган мамлакатлардагидек текис ва равоон дейиш фикридан йироқман. Аммо шу қисқа фурсат ичиде кўплаб ишлар қилинди ва қилинмоқда. Бундан бизнинг вилоят ҳам мустасно эмас. Масалан, ўтган йилнинг ўзиде бирлашмаимиз томонидан 800 километрга яқин йўл ўрта, жорий ва тўла таъмирланди. Шу муддат ичиде йўлларни қуриш, таъмирлаш, сақлаш ва ҳаражат-

ларга кетган маблағ 3,5 миллиард сўмдан зиёд ташкил этди. Шу маблағнинг асосий қисмини ўз кучимиз билан ўзлаштирдик. Ҳозирги кунда йўлсозларимиз вилоятнинг кўплаб жойларида таъмирлаш ишларини олиб боришмоқда. Бунда улар йўлларнинг равоон бўлишига эришиш билан бир қаторда йўл белгиларини қўйиш ва ободонлаштиришга ҳам катта аҳамият беришмоқда. Хусусан, 96 та жойда йўл туташмалари ободонлаштирилди. 954 та етишмайди йўл белгилари ўрнатилди. Бундан ташқари, кўприк ва кўприк йўлларини қуриш ишлари ҳам амалга оширилди.

Магистрал йўллардан фойдаланиш бошқармаси бирлашманинг энг нуфузли ташкилотларидан бири. Чунки у халқаро аҳамиятга эга бўлган 67 километр умумфойдаланув йўлига хизмат кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, Самарқанд-Бухоро чегаралари оралигидаги трассада автомобилларнинг бенуқсон қатнашини таъминлайди. Ўтган йили ишчи-хизматчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан мазкур йўлнинг 18,4 километри тўла таъмирланди. Жумладан, 8,7 километр масофага қайноқ асфальт ётқириш юмушлари адо этилди. 8,4 километр йўл қопламалари қайта тикланди. (Давоми 2-бетда).

УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛИБ

Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «Узотойўл» русумли автобуслар шаҳар аҳолисининг узогини яқин қилмоқда. Шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишлар бўйича қатнаётган, қирқ йўловчига мўлжалланган 24 ўриндиқли замонавий автобуслар Самарқанддаги «Техносоз» хусусий фирмасига қарашлидир. Фирма ўтган йили «Узсанотқурилиш» банкнинг Самарқанд бўлимидан 105 миллион сўм қарз олиб, 40 та автобус сотиб олган ва тўрт йўналиш бўйича қатновни йўлга қўйган эди.

Фирмага қарашли автобуслар хизмати шу жиҳати билан ҳам диққатга сазоворки, уруш қатнашчиси, кўзи ожиз, иккинчи хажон уруши, ногирони бўлган кишилар улардан текин фойдаланадилар. Бу йўналишларда талабалар учун ҳам имтиёзлар мавжуд.

Ҳозирги кунда ҳар бир автобус ойига 750-900 минг сўмлик хизмат кўрсатмоқда. Акциядорлик тижорат қурилиш банки мижози бўлмиш «Техносоз» фирмаси хизматидан шаҳар ва унинг атрофи аҳолиси мамнун бўлаётган.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ТИНЧЛИК САРИ КАДАМ-БАКАДАМ

АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл Яқин Шарқдаги саъй-ҳаракатларини тобора кўпроқ мазмун билан тўлдирмоқда. Бирон кун йўқки, у турли даражадаги арбоблар билан учрашмаган бўлсин. Хусусан, у кейинги кунларда Исроил ва Фаластин раҳбарлари билан тўрт мартабала мулоқотда бўлди. Чоршанба кунини Исроил бош вазири Ариел Шарон билан юзма юз гаплашди ва уни АҚШ режаларига тўлиқ риоя этишга қарориди. Ўз навбатида А.Шарон Исроил ўз қўшинларини Тулкарим шаҳридан олиб чиқиб кетганлигини маълум қилди. Шунингдек, у ҳафта охирида ҳарбийлар Урдун дарёсининг фарбий соҳилини ҳам тарқ этадилар, деди.

Айтиш керакки, Исроил ўз давлати ташкил топганлигини 50 йиллигини нишонла-

моқда. Фуқароларнинг кўпчилиги турли хил давраларда тинчлик истаётганликларини баралла изҳор қилмоқдалар.

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ

Кеча РФ Президенти Владимир Путин Федерал мажлисга йиллик мактуб билан мурожаат қилди. Мазкур стратегик ҳужжат расман Федерал мажлисга деб аталсада, аслида у Россия парламентининг иккала палатасига — қисқаси, Россиянинг барча фуқароларига қаратилган. Президент ўз мурожаатномасида Россиянинг ташқи сиёсий йўли, иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, ойлик маош, пенсия, меҳнат кодекси, касабани уюшмалари билан мулоқот, ҳарбий ислохот каби масалалар борасида атрофлича фикр юритди.

НАВБАТДАГИ УРИНИШ

Саудия Арабистони валиаҳди, ташқи ишлар вазири Ал-

Файсал Москвага ташриф буюрди. У сафардан асосий мақсад Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов билан учрашиш ва Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш масалаларини муҳокама қилиш эканлигини айтди. Мулоқот пайтида сўнги кунларда Исроил бош вазири А.Шарон томонидан Яқин Шарқ муаммосига бағишланган конференция чақириш хусусида салбий фикрда эканлигини билдирди.

ИТАЛИЯ АЙНИ КУНЛАРДА

Италия айни кунларда ижтимоий ғалаёнларга дуч келмоқда. Кунини кеча мамлакат пойтахтида уюштирилган норозилик намойишларида бир миллиондан зиёд одамлар иштирок этди. Мазкур киши Италия тарихида камдан-кам учрайдиган воқеалардан бири бўлди. Натижанда, иш ташлашлар оқибатида кўпгина корхоналар ўз фаолиятини тўтатди, транспорт воситалари ҳарака-

ти издан чиқди. Бош вазири Сильвио Берлускони норозитомонлар вакиллари билан учрашишга, ғалаёнга сабаб бўлган Меҳнат Кодексига қиритилган ўзгаришлар тўғрисида фикр алмасишга тайёр эканлигини билдирди.

«ПАДМА БХУШАН» — ОЛИМЛАРГА

Деҳли шаҳрида ўтказилган улкан маросимда Ҳиндистон Президенти К.Р.Нараянн нуфузи жиҳатидан учинчи ўринда турадиган, энг олий «Бхарат Ратна», «Падма Вибхушан» орденларидан кейинги «Падма Бхушан» орденини россиялик олимлар Г.И.Марчук ва Е.П.Челишевларга топишди. Улар ҳар икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга қўшган муносиб хиссалари учун ушбу мукофотга лойиқ деб топилган эдилар. Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Айни кунларда гўзал Фаргона байрам руҳи билан яшамокда. Бу жаннатмакон ўлканинг ҳар бир гўшасида «Умид ниҳоллари» республика мактаб ўқувчиларининг спорт мусобақасига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Беллашувлар бўлиб ўтадиган Фаргона, Маргилон шаҳарлари ва Киргули, Тошлоқ, Фаргона туманларидаги ўйингоҳлар, спорт иншоотлари шай ҳолга келтирилган.


ФАРГОНА МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

Мусобақанинг тантанали очилиш ва ёпилиш тадбирлари деярли янгиланган «Фаргона» ўйингоҳида ўтказилади. «Умид ниҳоллари» шарофати билан ўйингоҳда 2 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Ўйингоҳнинг ички ва ташқи қисмида кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Энди ўз бағрига 25 минг томошабинни сийдира оладиган ўйингоҳ фарғоналик ёшларнинг севимли масканига айланиши шубҳасиз. Чунки бу ерда ёшлар ўз маҳоратларини ошириш имконига эга бўладилар, шунингдек, сауна, гўзаллик саломи, спорт анжумлари ва кийим-кечаклар билан савдо қилувчи шаҳобчалар фаолияти йўлга қўйилди.

Енгил атлетика ва сузиш мусобақаларини қабул қиладиган Киргули туманидаги «Нефтчи» спорт мажмуидаги сузиш ҳавзаси сўнгги йилларда деярли яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Ҳозир бу сузиш ҳавзаси бошқа спорт иншоотлари каби мукамил таъмирдан чиқарилиб, замонавий тус олди.

Тошлоқ ва Фаргона тумани марказий ўйингоҳлари футбол мусобақаларига тахт қилиб қўйилган. Зеро, олий лига вакили «Нефтчи» жамоаси ўз майдонидаги ўйинларни айнан Тошлоқда ўтказиётгани ҳам тайёргарлик қай маромда бўлганидан далолатдир.

Баскетбол, кўл тўпи, теннис, шоҳмот, волей-



бол, миллий ва белбоғли кураш, стол тенниси мусобақалари ўтказиладиган «Истиклол» теннис мажмуи, Фаргона политехника институти, солиқ коллежи, «Шодлик» гимназияси, «Саноатфуқароқурилиш» тасарруфидаги спорт саройлари, Маргилондаги 2-БЎСМ ва қурилиш касб-хунар коллежи спорт майдонлари ҳам тайёр ҳолга келтирилди.

Мазкур мусобақанинг шу пайтга қадар ўтказилган бөллашувларида вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистондан 5 миллион 300 минг нафар ёш спортчилар иштирок этишди. Улар орасидан сараланган 2500 нафар ўқувчи мусобақанинг финал босқичида иштирок этиш учун Фаргонага келадилар. Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлар-

рени жойлаштириш учун «Зиёрат», «Дўстлик», «Фаргона» меҳмонхоналари ва Фаргона Давлат университети, Политехника институти сиҳатгоҳлари ҳозирлаб қўйилди.

Мусобақанинг очилиш маросимини жонажон Ўзбекистонимизни мадҳ этувчи гўзал тадбирга айлантириш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Очилиш маросимининг бадиий қисмида 7 мингдан зиёд иштирокчи бўлиши мўлжалланмоқда. Республика филармониясининг вилоят бўлими, Ўзбек эстрада бирлашмаси, «Водин чашмаси», «Райҳон», «Чодиржамоли», «Ёзёвон» каби ансамбллар, Илҳом Иброҳимов, Абдужалил Қўнонов, Валижон Қодиров, Шахло Рустомова, Севинч Мўминова сингари эл севган

ди. Оммавий ахборот воситалари ходимларини жойлаштириш учун эса Фаргона нефтни қайта ишлаш корхонасининг сиҳатгоҳи танланди. Барча қулайликларга эга бўлган бу масканда журналистлар яхши дам олиб, унумли ишлаш имкониятига эга бўладилар.


«Умид ниҳоллари-2002» мусобақаси финал босқичининг вилоятда ўтиши зиммамаизга гоят юксак ишонч ва масъулият юклайди, - дейди вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Алишер Отабоев. — Мен шу ўринда, мусобақаларни оммавий, байрамона руҳда, юксак савияда ўтказиш учун амалга оширилган тайёргарлик ишларида маданий, кўнгилочар тадбирларга

алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидламоқчиман. Демокриманки, мусобақа иштирокчиларининг ҳар бир кунни мароқли ва сермазmun ўтсин. Токи, «кичик олимпиада»нинг ҳар бир иштирокчиси гўзал Фарғонани, бу ерда ўтган биринчи «Умид ниҳоллари» ўйинларини умрбод ёдда сақлаб юрсинлар.

Фарғоналиклар мусобақага катта масъулият билан ёндашмоқдалар. «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ходимлари томонидан мусобақанинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб ишланган ранг-баранг кўргазмалар бугун вилоятнинг барча ҳудудлари спорт байрами оғушида эканлигидан хикоя қилади.

Ҳа, бугун «Умид ниҳоллари-2002» республика мактаб ўқувчиларининг мусобақаси шарофати ила янада навқиронлашган гўзал Фарғона меҳмонларни ҳамда пойтахт вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Кўёш» физика илмий- ишлаб чиқариш марказида қуёш иссиқлиғи ёрдамида ёндирилиб, Паркент-Янгибозор-Ўртасарой-Оҳангарон-Нуробод-Ангрен-Қамчиқ давони-Поп-Данғара-Кўккон-Учқўприк-Бағдод-Ҳамза шаҳарлари орқали мусобақа бошланishi арафасида Фарғонага келтириладиган машъалани интиқлик билан кутишмоқда.

Мўйдинжон СОБИТОВ.



«МАЗЕР» ЎРНИГА «ЛАЗЕР»

Қадимий афсоналардан бирида янги эрдан аввалги учинчи асрда олим Архимеднинг махсус кўзгү ёрдамида душман кемаларини ёндириб юборганлиги хикоя қилинади. Инсониятнинг узок асрлик нияти — кучли нурдан фойдаланиш орауси XX асрга келиб амалга ошди, электр — лазер пайдо бўлди. Бу воқеа машҳур олим Альберт Эйнштейн номи билан боғлиқдир.

Машҳур олимнинг 1916 йилда ўртага ташлаган мажбурий нурланиш рўй бериши назарияси 38 йилдан кейингина амалиётда ўз аксини топди. Америкалик олим Чарлз Таунс икки шоғирди билан ажиб бир қурилма яратди. Унинг ёрдамида аммиак

молекулаларини ишга солиб, барқарорликда тўлқинлар оқимини чиқаришга мажбур этиш мумкин эди. Калифорния университетининг профессори Ч.Таунс «Мажбурий нурланиш ёрдамида микротўлқинларни кучайтириш» деган инглизча атамани қисқартириб, қурилмаси «мазер» деб номлади. Кейинчалик микротўлқинлар ўрнига ёруғлики кучайтириш учун молекуляр эмас, квант генератор ишлатиладиган бўлди-ю, «мазер» ибораси «лазер» деган сўз билан алмашди. Физика илмининг бу муҳим тармоғини ривожлантириш йўлида олимлардан А.Трохоров билан Н.Барсовлар самарали изландилар. Улар квант молекуляр кучайтиргичлар ҳамда радиотўлқинлар генератори яратишнинг янги талабларини ишлаб чиққанликлари учун 1959 йили муносиб тақдирландилар. Лазер яра-

тилишига олиб келган катта тадқиқотлари учун ҳар иккала олим билан бирга америкалик тадқиқотчи Ч.Таунс 1964 йили халқаро Нобел мукофотига сазовор бўлдилар.

Лазер нурида ишлайдиган қурилмалар фан ва техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Лазер нури пайвандлаш учун ҳам қўл келмоқда. Айрим нозик деталлар пайвандини, том маънода қилин қирқ ёришга киёслаш мумкин.

ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПМОҚДА


Фан ва техниканинг ҳозирги тараққиёт босқичига асосланиб, келажакдаги янги кашфиётларни изоҳлаб берувчи фанта-

Биласизми?

тик асарлар кўп. Таниқли рус ёзувчиси Алексей Толстойнинг «Муҳандис Гариннинг гиперболоиди» романи ҳам қиммати ана шундай ижод намуналаридан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларга кўп олимлар бу асарнинг техник томонини зарарли, Гарин гиперболоидига ўхшаш аппаратни яратиб бўлмади, деб ҳисоблашарди. Аммо лазер ва мазерларнинг кашф этилиши шу романдаги фикрларнинг тўғрилигини бирмунча исботлади.

Қуриб турибдики, ёзувчи тасвирлаган кўп ихтиролар бугунги кунда амалга ошди. Чунончи, клиник ўлимни енгиш, планеталараро саёхат бунинг исботидир.



ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилмас: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.